

БАРЧА ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, муҳим ижтимоий дастурлар ижроси билан танишиш мақсадида 16 ноябрь кuni Сурхондарё вилоятига келди.

Дастлаб буюк олим Ҳаким ат-Термизий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тиланди. Улампалар билан суҳбатда бугунги таҳликали замонда содир бўлаётган турли низо ва урушлар тўғрисида беғуноҳ инсонлар қони тўкилаётгани қайд этилди. Бу юртимиздаги тинчлик-осойишталик қадрини янада теран англаб, инсонда шўқроналик руҳини уйғотди. Бундай улуг неъматлар аҳамиятини, Термизий каби болболаримиз илм-маърифатини ёшларга етказиш муҳимлиги таъкидланди. Шу масалалар бўйича Термизда илмий конференция ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Вилоят иқтисодиёти сўнги йилларда замонавий саноатни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва текстиль соҳасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш орқали янада юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита госяси асосида жанубдаги воҳа салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳудудларнинг "ўсиш нуқталари" белгилаб олингани одамларнинг турмуш даражасини ошириб, тинч, тўқин ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилаётди. Президентимизнинг жорий йил 13 март кuni вилоятга ташрифи чоғида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан белгилаб берган вазифалари ижроси ҳам юрт ободлиги ва Сурхон аҳлининг фаровон ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 29,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 105,2 фоизга етди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,9 триллион сўмни, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 триллион сўмни, пудрат ишлари 5,2 триллион, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 24,2 триллион, хизматлар ҳажми 11 триллион сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,4 миллион сўмга етказилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 фоизга ўсиш таъминланди. 161,8

миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар Хитой, Россия, Покистон, Туркия, Афғонистон, Қозғоғистон каби дунёнинг 27 давлатига экспорт қилинмоқда. Дастурлар асосида 1,3 миллиард долларлик 1 минг 36 лойиҳа амалга оширилмоқда.

Вилоят иқтисодиётида юз бераётган бундай оламшумул ўзгаришлар одамларнинг бандлик масаласини ҳал этиш, барча замонавий қулайликларга эга уй-жойлар қуриш, йўллар, таълим, тиббиёт ва бошқа иқтимоий соҳа объектларини тўғдан реконструкция қилиш, янгиликларни барпо этиш сингари ишлар кўламини кенгайтирди. Масалан, ўтган йилнинг 9 ойида 203 минг 300 иш ўрни ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 353 минг 300 та иш ўрни яратилди.

Яқин йилларда ҳам аграр ҳудуд бўлган вилоят иқтисодиёти юксалиб, даромад манбаи ошаётгани камбағаллик даражасини 13,8 фоиздан 11,2 фоизга камайтирди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида Бойсун туманида бўлиб, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган йирик лойиҳалардан бири – "Мустақилликнинг 25 йиллиги" газ-кимё мажмуаси қурилиши билан танишди.

Бу ерда газ қони бир неча ўн йиллар олдин топилиб, бироқ географияси мураккаблиги, ўша пайтда замонавий технология ва маблаг бўлмагани учун қон ўзлаштирилмаган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қатъияти билан бу борада амалий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари 2019 йил апрель ойида бу ерда бўлиб, дастлабки қидирув ва техник-иқтисодий асослар билан танишган эди. Ўша йилнинг декабрь ойида заводни қуриш ишлари бошланди. "Surhan Gas Chemical Operating Company" хорижий корхонаси томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг қиймати 2,9 миллиард доллар. Мажмуа йилга 5 миллиард метр куб газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Ҳозиргача қони ўзлаштиришга 1 миллиард 450 миллион долларлик инвестиция киритилиб, 20 та қудуқда бургилаш ишлари якунланган. 11 та газ қудуғи синовдан муваффақиятли ўтган. Пойдевор ишлари ва металл конструкциялар қуриш деярли якунига етган.

Завод лойиҳалари ва қурилиши "Shell" компаниясининг лицензияланган технологиялари асосида олиб борилмоқда. У энг илгор экологик талабларга мос бўлиб, ишлаб чиқаришда зарарли чиқиндиларни 99 фоиз зарарсизлантириш имкониятига эга. Бундай ускуналар МДХ давлатлари ичидан биринчи бор ушбу заводга ўрнатилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, завод электр энергияни ҳам ўшбу генерация қилади ва туман аҳолисига етказиб беради.

Давлатимиз раҳбари шу ерда геологик қидирув ва сейсмик тадқиқот ишлари якунлари билан танишди. Инвесторлар, қони ўзлаштиришда қатнашаётган мутахассис ва қурувчилар билан суҳбатлашди.

– Асосий мақсад газни хомаш ёқлатида сотиш эмас, уни қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар олиш бўлиши лозим. Инвестиция тез вақтларда ўзини оқлаб, завод рақобатбардош бўлиши учун охириги маҳсулот сифатли ва юқори даромадли бўлишига эришиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу бўйича қарор ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мажмуа Бойсун шаҳридан 20 километр узоқда жойлашган. Айни пайтда унинг қурилишида 7 мингдан ортиқ киши, махсус техникалар ишламоқда. Лойиҳанинг биринчи босқичи келгуси йил май ойида ишга туширилади, 2025 йилда тўла қувватга чиқади.

Президентимиз Сароисий туманидаги Тўпаланг гидроэлектр станциясида амалга оширилган модернизация ишларини ҳам кўздан кечирди.

Мамлакатимиз ҳам иқтисодий, ҳам аҳоли сони жиҳатидан ўсиб, энергетика қувватларига талаб йилдан-йилга ортмоқда. Буни таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан барча манбалар ишга солинмоқда. Жумладан, гидроэнергетикани ривожлантиришга катта ургу берилляпти. Сўнги йилларда 19 та янги гидроэлектр станция барпо этилди, 13 таси модернизация қилинди. Улардан энг муҳими Тўпаланг гидроэлектр станциясидир. У 2006 йилда ишга туширилган пайтда жами 30 мегаватт қувватли иккита агрегат бўлган.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг апрель ойида бу ерга ташриф буюриб, яна иккита гидроагрегат қуриш юзасидан топшириқ берган эди. Аввалга сув омбори тўқони қўшимча 20 метрга кўтарилди. Натижада унинг сигими 380 миллион

куб метрдан 500 миллионга етказилди. Замонавий технологиялар асосида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, жами қуввати 145 мегаваттлик иккита агрегат ўрнатилди. Шу тарихи, Тўпаланг ГЭСининг умумий қуввати 175 мегаваттга етиб, Чорвоқ ГЭСидан кейин мамлакатимиздаги иккинчи йирик станцияга айланди.

Самарадорлигини айтганда, бу ерда йилига қўшимча 467 миллион киловатт/соат электр қуввати яратилди. Қарийб 167 мингга хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди. Бу йилига ўртача 107 миллион метр куб табиий газни тежаш имконини беради.

Президентимизнинг жорий йил март ойида Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Тўпаланг гидроэлектр станциясини модернизация қилиш лойиҳасига старт берилган эди. Галдаги ташриф чоғида мазкур лойиҳа асосида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди. Шу ерда Тўпаланг дарёси негизда гидроэнергетика қувватларини ошириш бўйича тақдимот ҳам ўтказилди. Унга қўра, келгуси йилларда дарёнинг юқори қисмида қуриш учун 20 та истиқболли лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг умумий қуввати 264 мегаватт бўлиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни кенгайтириб, ҳар бир сой, имконияти бор ҳар бир маҳаллада микро ГЭСлар барпо этиш мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, Сурхондарёда кўмир қазиб олиш имкониятлари бўйича ахборот берилди. Қайд этилганидек, ҳудудда 82 миллион тонна кўмир захираси аниқланган. Бугунги кунда 541 минг тонна қазиб олинмоқда. Буни 2 миллион тоннага етказиш, мутахассислар тайёрлаш зарурлиги қўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбалари кўпайтирилмоқда. Жумладан, гидроэнергетикада бир оқим орқали кўп марта "яшил энергия" ҳосил қилиш мумкин. Шу боис Президентимизнинг 2017 йил 17 октябрдаги қарорига мувофиқ, Тўпаланг дарёсида кичик электр станциялари ҳам қурилди. Хусусан, 2020 йил декабрь ойида 37 мегаваттлик "Зарчоб-1" ҳамда 2021 йил сентябрь ойида 38 мегаваттлик "Зарчоб-2" ГЭСлари ишга туширилди. Бугунги кунда уларда 48 мингга хонадонга етадиган электр энергияси ҳосил қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Кейинги йилларда мамлакатимизда илгор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари тизими изчил ислоҳ этилмоқда. Хусусан, ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида пробацция хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

Қонун ижодкорлиги

Такомиллашаётган тизим

пробацция хизматидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар бартараф этилмоқда



Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш, пробацция бўлиналари назорати остидаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Натижада пробацция назорати остидаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари камайишига эришилмоқда.

Бундан кўнрақ рақамлар ҳам аққол тасдиқлайди: 2021 йилда пробацция бўлиналари назорати остидаги шахслар томонидан 1 минг 86 та жиноят содир этилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 845 тани,

(Давоми 3-бетда) ►

Мамлакатимизда инсон қадри устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатни қарор топтириш мақсадида суд орқали шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилди.

Моҳият

Суд қарорларини ҚАЙТА КўРИШ

бу борада қулай ва соддалаштирилган тартиб жорий этилмоқда



Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 55-моддасида ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳада ҳолис суд томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи кафолатланди.

(Давоми 3-бетда) ►

Адолат- одил судлов мезони

Асосиз

қўйилган айблов

судда судланувчи зиммасидан олиб ташланди

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 29-моддасида "Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиши ҳуқуқига, шунингдек, афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга" лиги белгилаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Хабар

Судьялар миллий конференцияси

маънавияти баланд ва иродаси мустаҳкам судья адолатсизликка йўл қўймайди

Тошкентда "Одил судловни амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги Судьялар миллий конференцияси ўз ишини бошлади.



Олий суд, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда "East-West Management Institute" (EWMI) нодавлат но-тижорат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиалининг "Суд тизимини мустаҳкамлаш" (JSSA) қўшма лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда Олий суд, Судьялар олий кенгаши ва Судьялар олий мактабининг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча судларидан юздан зиёд судьялар иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Олий

суд раиси Бахтиёр Исломов, USAIDнинг Ўзбекистондаги миссияси раҳбари Девид Хоффман, Судьялар олий кенгаши раисининг ўринбосари Алишер Жаҳилов ва JSSA лойиҳаси раҳбари, EWMIнинг Ўзбекистондаги филиали директори, судья Соња Простран бу каби конференцияларнинг амалга оширишнинг долзарб масалаларини ҳамда амалиётда юзага келаётган муаммоларни кенг муҳокама қилиш учун яхши имконият ва қулай майдон эканини таъкидлади.

(Давоми 4-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ

Бу йил халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 75 йиллигини нишонламоқда. Янги Ўзбекистонда сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларда инсон ҳуқуқлари асосий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Бирлашган миллатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатга қабул қилинган қўллаб-қувватлайди. "Ўзбекистон-2030" стратегияси Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларига мос бўлиб, "Ҳеч кимни ортада қолдирмаслик" тамойилини таъминлашга қаратилган.

Шу йил апрель ойида мамлакатимизда илк бор конституциявий референдум ўтказилди, унинг тамаал тоши инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, сўз ва эътиқод эркинлиги, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча



фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги тамойилларига содиқлик ўз тасдиғини топган. Ўзбекистон Бирлашган миллатлар ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга оширмоқда. Охириги 3 йил ичида куйидаги ишлар амалга оширилди:

Ўзбекистон Бирлашган миллатлар ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилди, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий ва маъмурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2023 йил октябрь ойи-

да ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро форум бўлиб ўтди ва Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осий декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистонда болалар меҳнатидан бутунлай воз кечилди ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш соҳасида сезиларли натижаларга эришилди. Халқаро ташкилотлар, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки, «Коттон кампейн» пахта кампанияси даврида болалар меҳнатига барҳам берилганини ижобий қайд этди. Янгиланган Конституциямизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш кафолатланган ва бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

(Давоми 2-бетда) ►

БАРЧА ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛНИШЛАР ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Дарёнинг куйи қисмида яна бир кичик ГЭС – “Зарчоб-3” қурилиши лойиҳалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг ташири чоғида унинг қурилишига тамал тоши қўйилди. Бу станциянинг қуввати 16 мегаватт бўлади ва йилига 70 миллион килловатт/соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқарилади. У табиий ва қайта тикланувчанлиги билан ахамиятли. Шунингдек, бошқа қувватлар асосан кундузи ишлаб чиқарилгани боис, бу йўналиш энергетика тизимида ростловчи вазифасини ҳам ўтайди. Олинандиган электр таннари ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Ҳозирги тизим бўйича дарё суви махсус босим остида аввал Тўпаланг ГЭСига йўланади. Ундан кейин бир-бирдан унча узоқ бўлмаган Зарчоб станцияларидаги парраларни айлантиради. Шунингдек, хусусий сектор томонидан микро ГЭСлар барпо этишга ҳам кенг имконият берилмоқда. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микро ГЭСларни қуриш истагидаги тадбиркорларга ерларни 20 йил муддатга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрнинг давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган.

2021 йилда Термизда бўлиб ўтган йўналишда давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилоятида ичимлик суви билан боғлиқ муаммога алоҳида тўхталган эди. Уша пайтда худудда марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 60 фоиз атрофида эди. Президентимиз бу борада “Тўпаланг” сув омбори улкан ва тоза манба эканини таъкидлаб, уни аҳолига етказиш бўйича лойиҳа тайёрлаш вазифасини қўйган эди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ҳавзага сув тоғлардаги қор ва муз эришидан йилмилади. Текширувларга қўра, бу сувнинг қаттиқлик даражаси 4 фоиз, фойдали минералларга бой ва мусаффо. Бундан фойдаланиб, Сурхондарё аҳолиси учун муҳим ижтимоий лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида сув омборидан то Термиз шаҳригача 380 километр металл қувурлар тортилади. Унинг 159 километри магистрал, 221 километри шаҳар ва туманларни боғловчи ички тармоқлардир. Шунингдек, сув тозалаш, босими ни камайтириш ва сув йиғиш иншоотлари қурилади. Бугунги кунда 147 километр қувур тортиб бўлинди. Сув тозалаш, босими ни камайтириш ва бешта сув йиғиш иншооти барпо этилди.

Сариосиё тумани Боғистон маҳалласида ушбу лойиҳанинг биринчи босқичини ишга тушириш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугма ни босиб, “оби ҳаёт” йўлини очди. Мазкур босқичда сув Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Қумқўрган туманларига етиб борди. Вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 70 фоизга етди. Яна бир муҳим жиҳати, сув ўз оқими билан тушиши туфайли 8,6 миллион килловатт/соат электр энергияси иқтисод қилинади.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 90 фоизга етказилди. Бундан Сариосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрган, Жарқўрган, Бандихон, Қизирқ, Шеробод, Ангор, Музработ, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги 2 миллионга яқин аҳоли баҳраманд бўлади. Лойиҳани 2024 йилда ниҳоясига етказиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташири давомида Сариосиё туманидаги Себзор маҳалласида бўлди. Бу ерда 7 минг 600 нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Тўртта корхона, йиғирмадан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларида шу ерлик ёшлар доимий иш билан банд. Маҳалла аҳли асосан боғдорчилик, чорвачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Уттиздан ортиқ деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолият қоритмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Баракатулло Давр Барака” фермер хўжалиги боғида бўлиб, полз экинлари ривожини кўздан кечирди. Бу ерда 6 гектар олма, 1,3 гектарда хурмодан мўл ҳосил олинмоқда. Дарахлар қатор

ораларида эртаки экинлар, жумладан, оқ бошли қарам, пивё, саримсоқпиез етиштирилган.

Маълумки, Сурхондарёнинг иқлими эрта ҳосил олиш имконини беради. Лекин қишлоқ хўжалигида илмий ёндашув етишмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунинг учун виллоятда in-vitro лабораториялари ташкил этиб, уруқчиликни яхшилаш, умуман, Сурхондарё қишлоқ хўжалигини экспортга ихтисослаштириш зарурлиги таъкидланди. Боғ, тоғ ёнбағри ва дала четларини хатловдан ўтказиб, экинлар учун қўшимча имкониятларни ўрганиш, олимларни жалб этиб, маҳсулотлар ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, қайта ишлашни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Маҳаллада ижтимоий масалалар ҳам манзилли ҳал этилмоқда. Йўллар таъмирланган. Куз-қиш мавсуми олдидан трансформаторлар янгиланди, қўшимча сим ёғочлар ўрнатилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасасида зарур шароитлар яратилган. Яқинда маҳалла худудида кичик тиббиёт пункти ташкил этилди. Президентимиз ўндаги шароитларни кўздан кечирди.

Асосан профилактик кўрик ва патронаж хизмати билан шуғулланганидан ушбу муассасада бир нафардан шифокор ва доя, икки нафар ҳамшира фаолият олиб боради. Маҳалла аҳолиси илгари 27 километр масофадаги шифохонага борар эди. Энди уларнинг узоғи яқин бўлди. Бу ерда болаларни эмлаш, сурункали беморларни соғломлаштириш ва уларнинг назоратини олиб бориш йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда тиббиёт ходимлари ва мутасаддилари билан суҳбатлашди. — Мени энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири – халқимизнинг соғлиги. Шунинг учун шифохоналар қуришга, ижтимоий доирлар таъминотига, тез тиббий ёрдамга катта маблағ ажратилди. Тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари ҳам оширилди. Энди муҳими – аҳолини касаллик бўйича хавф гуруҳига ажратган ҳолда, манзилли даволаш ва соғлигини назорат қилиш, — деди Шавкат Мирзиёев.

Масалан, бир худуд аҳолисининг 30 фоизи касал ёки касалликка мойил бўлади. Маҳалладаги тиббиёт ходимлари уларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолини кузатиб бориши керак. Шу билан бирга, тўғри оқватланиш, кўпроқ пивёда қоришинг фойдасини кенг тушуштириш, маҳалларда фитобарлар ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмга ташири буюрди.

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар қўшинларнинг жанговар салоҳияти ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Ўқув бинолари, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланган.

Давлат раҳбари ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, чегарани қўриқлашда қўлланаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни кўздан кечирди. Бунда учувчисиз учмиш аппаратларининг ахамияти алоҳида таъкидланди, уларни ишлаб чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркибининг шайлиги, замонавий қурол-аслаҳалар, учувчисиз учмиш аппаратларини хизмат қилган ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарига “Вауфакат ТВ2” разведка-зарба учувчисиз учмиш аппаратининг парвози намойиш этилди.

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташири давом этмоқда.

Зийдулла ЖОНИБЕКОВ,

Икром АВВАЛБЕКОВ,

Холмўмин МАМАТРАЙМОВ,

ЎЗА МУХБИРЛАРИ



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда 2030 йилгача гендер тенгликка эришиш стратегияси фаол амалга оширилмоқда. 2023 йил март ойида аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи муҳим қонун қабул қилинди. Оилавий зўравонлик учун жиноий жавобгарлик жорий этилмоқда, болаларга нисбатан жинсий жиноятлар учун жавобгарлик қучайтирилмоқда.

Ўзбекистон қийноқ қўлланилишини қатъиян қоралайди. Мамлакат Президентини ўз нутқларида қийноқларга мутлақо йўл қўйиб бўлмастлиги, шунингдек, қийноқлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъкидлади. Қийноқлар ва зўравонликнинг бошқа турлари Конституция даражасида тақиқланган.

БМТнинг устав органлари ва шартнома кўмиталари тавсияларига қўра, “Омбудсман плюс” модели асосида қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизми яратилди. Болалар Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва Бизнес-омбудсманга жазони ижро этиш муассасаларини мониторинг қилиш ваколати ҳам берилган.

Фуқаролар кодексига қийноқлардан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини назарда тутувчи ўзгартириш киритилди. Бу қийноқлардан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича Жаҳон дастурида фаол иштирок этмоқда. Мамлакатда **Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий таълим дастури** амалга оширилмоқда. Касб-хунар ва олий таълим тизимида “Инсон ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари” ўқув ва махсус курслари жорий этилмоқда. Имконияти чекланган шахслар, аёллар, болалар ва мигрантлар ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари очилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича қатор қўлланма ва рисодалар доимий равишда чоп этилмоқда,

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бош Қомусимизда кафолатланган ушбу меъёр миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топгани жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловга эришиш, фуқароларнинг келажаққа ҳамда суд ҳокимиятига нисбатан ишончини янада оширишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Ҳаётда бошқалар содир этган жиноий қилмиш айбоси одамнинг зиммасига қўйилса, табиийки, адолатсизлик бўлади, табиийки, адолатсизлик ҳақида ноҳақликдан ўша одам қатъий азият кўради. Сирдарёлик Раҳматулла Эргашев (исм-шарифлар ўзгартирилган) яқинда худди шундай ташвишни бошидан кечирди.

Шу ўринда воқеа тафсилотини баён қиладиган бўлсак, Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасининг Сирдарё вилояти филиали Гулистон шаҳридаги “Олимпия захиралари” мактаб-интернатиде спорт зали барпо этилиши бўйича бошланғич баҳоси 7 миллиард 510 миллион 337 минг сўмлик қурилиш ишлари учун 19954-сонли экспертиза ҳулосасини беради. Шундан сўнг ўтказилган тендер натижаларига қўра, буюртмачи — “Спорт объеклари инфра-

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим электрон платформаси ишга туширилди. Охириги қисқа давр мобайнида биз БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда сезиларли ютуқларга эришдик. Шу йилнинг март ойида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Ф.Тюрк Ўзбекистонга ташири буюрди.

Биз Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг барча мандат эгаларига мамлакатимизга ташири буюриш учун доимий тақлифнома юбордик. БМТ махсус маърузачиларининг дин ва эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги, шунингдек, терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар бўйича тавсияларини инobatта олганмиз.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқидир. Дунё микросида диннинг жамоат кун тартибини шакллантиришдаги ролини ҳисобга олган ҳолда барча одамларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро муносабатлар ва миллий сиёсатнинг тобора муҳим жиҳатларига айланиб бормоқда.

Дунёвийлик бугунги Ўзбекистоннинг таянчидир. Маънавият ҳар бир инсоннинг шахсий иши бўлса, дунёвийлик барчамизга тегишли.

Глобаллашув ва минтақавийлашувнинг турли жараёнлари туфайли шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги дунёда кўп конфессияли жамиятнинг қўлай яшаш учун давлат ва диний бирлашмалар ўртасидаги самарали ҳамкорликни қарор топтириш асосий вазифа саналади. Бундан қўзланган умумий мақсад — фуқаролар учун яхши яшаш шароитларини яратиш, шунингдек, муносиб, қўқори турмуш даражасини сақлаб қолишдан иборат.

Дин жамият, давлат ва ҳар бир шахснинг индивидуал ривожланишига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Диний эркинлик соҳасидаги ислохотлар Янги Ўзбекистонда

амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг узвий қисмидир.

2019 йилдан буён биз халқаро ҳамкорлар ва фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, диний конфессиялар ва диний ташкилотлар билан эътиқод эркинлиги масалалари бўйича 30 та онлайн ва офлайн учрашув ўтказдик. 2022 йил май ойида Бухоро шаҳрида “Декларациялар мулоқоти” мавзусида халқаро форум ташкил қилинди.

Ҳозирги пайтда 2,3 мингдан ортиқ диний ташкилотлар адлия органларига рўйхатга олинган. Янги қонунга мувофиқ кейинги уч йилда уларнинг сифига 48 та янги ташкилот қўшилгани мамлакатимизда диний эркинликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганининг ёрқин намунаси. Юртимизда турли конфессиялар ва турли этник гуруҳлар биргаликда яшашининг кўп аспекти тарихий тажрибаси тўпланган. Қадим замонлардан буён юртимиз худудида кўп минг йиллар давомида турли дин ва эътиқодлар ёнма-ён яшаб келган.

Бундай динлараро бағрикенглик бизга ажодлардан қолган меросгина эмас, балки бугунги кунда амал қилаётган урф-одат ва аъналаримизнинг ҳам асоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда диний эркинлик, эътиқод ва хавфсизлик масалалари бир-бирдан алоҳида қўриб чиқилмайди. Байрут декларацияси ва унда ўз аксини топган “Инсон ҳуқуқлари учун эътиқод”га оид 18 та мажбуриятга тааллуқли қоидаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда халқимиз референдумда янгиланган Конституцияни қабул қилди. Унда Янги Ўзбекистоннинг “беш таянчи”, яъни Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани (1-модда) таъкидланиб, мамлакат келажаги белгилаб берилди.

Ўзбекистон Конституциясида ҳар кимнинг эътиқод эркинлиги кафолатланган — ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга

йўл қўйилмайди (35-модда).

Дунёвийлик ва эътиқод эркинлиги тамойилларига асосланиб, янгиланган Конституцияда тенглик, ҳар бир инсонга тенг ҳурмат, эътиқод эркинлиги кафолатланди, давлат диний ишларга аралашмаслиги, яъни дин ва давлатнинг бир-бирдан ажратилгани кафолатланди (75-модда).

Ранг-баранг дунёимизда бағрикенглик ва камситмаслик тушунчалари нафақат идеал (истак-интилиш), балки зарурат саналади. Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири — бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, жамиятда миллатлараро, конфессиялараро ва фуқаролараро тотувликни мустаҳкамлашдир.

Миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепцияси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳозирда 12 тилда телекурсув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилади, 10 дан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилади. Мамлакатдаги умумтаълим мактабларининг қарийб 20 фоизиде таълим 7 тилда амалга оширилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқилишдан қатъи назар, ҳамма учун эътиқод эркинлиги амал қилиши, барча диний эътиқод конфессияларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, барча миллатлар ва элатлар ҳамда турли дин вакилларининг тинч-тотув яшашини таъминлаш сиёсати изчил давом эттирилади. Зеро, янгиланган Конституцияимизда динлараро ва миллатлараро тотувлик зарурлиги кафолатланган. Бундай тотувлик ҳар доим, айниқса, ҳозирги пайтда жуда муҳимдир.

Акмал САИДОВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

Адолат-одил судлов мезони

АСОССИЗ

икки ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланади. Суд Жиноят кодексининг 62-моддаси тартибиде Р.Эргашевга 2022 йил 14 декабрдан 2023 йил 7 февралга қадар қамоқда бўлган қонларининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб, ўташ учун иш ҳақининг йигирма фоизини давлат ҳисобига ўшлаб қолган ҳолда бир йил-у саккиз ой йигирма бир кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қолдиради.

Аммо судланувчи Р.Эргашев апелляция шикоятиде спорт зали биноси қурилиши бўйича 987 миллион 400 минг сўмлик иш ҳажмини қўшиб ёзмагани, ушбу айбловнинг асосизлигини билдирган. Бундан ташқари у бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилган олти тата ҳисоб-фактураларнинг 4 ва 5-сонлиларига имзо қўйгани, қолган ҳисоб-фактуралардаги имзолар бошқа техник назоратчиларга тегишли экани ҳам баён этган.

Р.Эргашев ўзи имзолаган 4 ва 5-сонли ҳисоб-фактуралар бўйича 318 миллион 404 минг

695 сўмлик бажарилмаган иш ҳажмини қўшиб ёганини тан олиб, етказилган зарар ишларни бажариш йўли билан тўлиқ қопланганини таъкидлаб, суд ҳукмининг ўзига оид қисмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Яқинда Сирдарё вилояти суди апелляция инстанцияси очик суд мажлисида судланувчи Р.Эргашевнинг шикоятиде келтирилган важдар фуқаровий даъвогар ва гувоҳлар иштирокида батафсил қўриб чиқилди.

Фуқаровий даъвогар — Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бўлиб бошлиғи С. Жумамуродовнинг кўрсатмасида қайд этилишича, спорт зали биноси қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига мослиги юзасидан пудратчи корхона томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида мутахассислар иштирокида жойига чиқиб ўрганилганда, жами 706 миллион 748 минг 899 сўмлик иш ҳажми қўшиб ёзилгани аниқланган.

Моҳият

Суд қарорларини қайта кўриш

бу борада қулай ва соддалаштирилган тартиб жорий этилмоқда

◀(Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш бўйича қатор чоралар кўрилди. Натижада одил судлов жараёнида шахс ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга кўтарилди.

Хуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижасида суд ишларини юритиш жараёнига янги институтлар жорий этилди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ярашув, дастлабки ашитув, медиация, шунингдек, суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлиги текшириш институтлари такомиллаштирилди.

Шу билан бирга судларда иш ҳажмининг кескин ортгани ишларни қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиш имкониятини чеклашга олиб келди. Бу эса ҳақиқи равишда фуқароларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Суд қарорларини қайта кўриш институти бўйича ўтказилган таҳлиллар мазкур институти янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди. Хусусан, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текширишда кассация инстанциясида ишларни кўриш Олий суд ваколатига ўтказилиши суд ишларини кўришнинг ўта марказлаштирилган тизимини вужудга келтириб, ўрта бўлин – вилоят ва унга тенглаштирилган судлар имкониятларидан самарали фойдаланишни чекламоқда.

Натижада шикоятдаги вазлар ҳар тарафлама тўлиқ текширилмай, иш бўйича якуний қарор қабул қилинмасдан, суд қарори бекор қилиниб, янгидан қуйи судларга кўриш учун юбориш ҳолатлари ўрнамоларга айланмоқда.

Бундан ташқари апелляция тартибиде кўрилмаган ишларнинг келгусида кассация инстанциясида кўриб бўлмағлиги ҳақидаги қонун талаблари ҳам фуқароларнинг ҳақиқи эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан ягона суд амалиётини шакллантириш, ишларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида кўриш орқали одил судловни амалга ошириш ва пировардида инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорлари қонунийлиги ва асослигини текшириш механизмларини янада такомиллаштириш, суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибини жорий этиш зарурияти юзага келди.

Шу маънода Президентимизнинг 2023 йил 16 январдаги "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибини яратиш назарда тутилгани айни муқоаб бўлди.

Ушбу Фармонга мувофиқ Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Парламентга киритилди. Ушбу қонун лойиҳалари Фуқаролик

ва Иқтисодий процессуал кодекслари, Маъмурий суд ишларини юритиш ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга суд қарорлари қонунийлиги ва асослигини текшириш механизмлари янада такомиллаштириш ва суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибини киритиш орқали фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини янада кенг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган.

Мазкур қонунлар жорий йил 27 октябрь куни Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди. Шу асосда жорий этилаётган суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартибига кўра:

- туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибиде қайта кўриб чиқиш;
- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибиде кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибиде қайта кўриб чиқиш;
- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибиде кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида ва алоҳида ҳолларда судлов ҳайъатлари томонидан кўрилган ишларни Раёсатда тафтиш тартибиде қайта кўриб чиқиш;
- юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қуйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш назарда тутилмоқда.

Бу тартибларнинг жорий этилиши муносабат билан процессуал кодексларнинг умумий қоидаларига оид моддаларига, апелляция ва кассация инстанцияга оид бобларига тегишли ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, суд ҳужжатларини тафтиш тартибиде қайта кўриш бўйича иш юритишга оид қоидаларни белгиловчи боб билан тўлдириш тақлиф этилган.

Иқтисодий процессуал кодекснинг апелляция ва кассация инстанцияси суди ваколатларига оид моддаларига киритилаётган ўзгартиришга кўра, ишнинг ишда иштирок этувчи, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир шахс йўқлигида кўрилгани, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган, билдирилган талаб бўйича суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинмагани аниқланганда, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича кўради.

Шунингдек, расмийлаштиришга оид асослар бўйича ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилгани ёки нотўғри қўлланилгани муносабати билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асослар қисқартирилди.

Юқори инстанция суди эндиликда мазкур ҳолатлар ишнинг мазмунан тўғри ҳал

қилинишга тўсқинлик қилгани, қонуний қарор қабул қилишга сабаб бўлганини аниқлаш лозим бўлади.

Кодексларга киритилаётган ўзгартиришлардан яна бири – суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинмагани ёки нотўғри ҳал қилингани суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмағлигидир. Эндиликда бундай ҳолда, қарорнинг ҳулоса қисмида суд харажатлари тақсимланиши кўрсатилди.

Мазкур ўзгартириш ишнинг мазмуни, қонуний ҳал этилишига таъсир қилмайди, асос бўйича суд қарорлари бекор бўлиши натижасида фуқароларнинг сарсон бўлиши ва моддий-маънавий ресурслари сарфланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ишни апелляция ёки кассация тартибиде кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослиги суд томонидан тўлиқ текширилади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Суд ҳужжатларини тафтиш тартибиде қайта кўриш бўйича иш юритишга оид киритилаётган янги бобда, жумладан, қуйидагилар белгиланмоқда:

- тафтиш тартибиде шикоят қилиш (протест) келтирилиши (қимлар қайси суд ҳужжатлари устидан қайси судга тафтиш тартибиде шикоят бериши мумкинлиги);
- тафтиш тартибиде шикоятни (протестни) кўрадиган судлар (Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Олий суднинг Раёсати);
- тафтиш тартибиде шикоят (протест) бериш тартиби;

тафтиш тартибидеги шикоят (протест) ишни тафтиш тартибиде кўрадиган Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари нормига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади. Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд тафтиш тартибидеги шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни ишни тафтиш тартибиде кўрадиган Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига иш билан бирга юбориши шарт. Олий суд судлов ҳайъатлари ва Раёсати томонидан кўриладиган тафтиш тартибидеги шикоят (протест) бевосита Олий судга берилади;

- тафтиш тартибидеги шикоят (протест) бериш муддати;
- тафтиш тартибидеги шикоятнинг (протестнинг) мазмуни, унга илова қилинадиган ҳужжатлар;
- Олий суд судьяси томонидан тафтиш тартибидеги шикоятни (протестни) ўрганиш;
- тафтиш тартибидеги шикоятни Олий суднинг судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш ёки ўтказиш тўғрисидаги ажрим;
- ишни тафтиш инстанцияси судида кўриш тартиби;
- тафтиш тартибиде ишни кўриш чегаралари;
- қуйи инстанция судлари томонидан

моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганини иш материаллари бўйича текширади. Биринчи инстанция судида кўриб чиқиш предмети бўлмаган янги талаблар тафтиш инстанцияси суди томонидан қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосизлиги ҳал қилув қарори, қарор ёки ажримни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарор ёки ажрими фақат юзаси асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

Тафтиш тартибидеги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний қучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Тафтиш тартибидеги шикоят (протест) бериш муддати қуйи инстанция судлари томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинганга қадар ўтган бўлса, шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин, яъни яна қўшимча уч ойлик муддат берилади.

Олий суд Раёсатига Олий суд раиси, Бош прокурор протести тарафларнинг муражаати келиб тушган кундан эътиборан уч ой ичида, лекин судлов ҳайъати томонидан ишни тафтиш тартибиде кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ бўлмаган муддатда киритилиши мумкин.

Тафтиш тартибидеги шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати тафтиш тартибидеги шикоят (протест) берган шахсининг илтимосномаси бўйича суд томонидан, агар илтимоснома шикоятни (протестни) бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ойдан кечиктирмай берилган ва тафтиш тартибидеги шикоятни (протестни) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан умри деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Ишни тафтиш тартибиде кўрган суднинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний қучга киради. Эътиборлини, Олий суд Раёсатининг қарори якуний ҳисобланади ва унинг устидан шикоят қилинмайди (протест келтирилмайди). Бу фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг низолари бўйича якуний тўхтама келиш, ҳуқуқий аниқлиқни белгилаш, ўзаро муносабатларни барқарорлаштиришга хисса қўшади.

Суд қарорларини қайта кўришга оид мазкур тартиблар барча процессуал кодексларда асосан бир хил тарзда белгиланмоқда, фақат суд иш юритувининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кодексларда айрим фарқлар мавжуд.

Хулоса ўрнида айтганда, янги ўзгартириш ва қўшимчалар фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, уларнинг шикоят қилишга бўлган ҳуқуқлари доирасини кенгайтириш ҳамда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига хизмат қилади.

Шербек НАЗАРОВ, Олий суд бўлим бошлиғи

● Қонун ижодкорлиги



пробацция хизматидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар бартараф этилмоқда

◀(Бошланиши 1-бетда)

Шу боис Ички ишлар вазирлиги томонидан пробацция назоратидаги шахсларга суд томонидан юқлатилган чеклов ва мажбуриятлар ижросини таъминлаш ҳамда пробацция назоратини амалга ошириш, пробацция назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича тадбирларни белгилаш ва ижро этишни ўз ичига олган ягона қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Олий Мажлис Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлисида "Пробацция тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ушбу қонун 9 та боб, 74 та моддадан иборат бўлиб, унда пробацция тизимининг асосий тушунчалари, пробацция хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби, пробацция назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, пробацция назорати ва ижтимоий мослаштириш шаклларини қўллаш тартиби, пробацция назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини баҳолаш меъзолари, пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан электрон кузатув воситасини қўллаш масалалари тартибга солинмоқда.

Бундан ташқари мазкур қонун билан:

Биринчидан, пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан табақалаштириш ва индивидуал ёндашиш принципи аниқ белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан белгиланадиган тақиқ, чеклов ва мажбуриятлар – уларнинг ёши, жинси, соғлигининг ҳолати, хулқ-атвори, ижтимоий мослаштириш дастурларидаги иштироки ҳамда ушбу шахслар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, илгари жиноят содир этгани учун жавобгарликка тортилгани, фактлари мавжудлиги, шунингдек, етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплангани ва маънавий зиён компенсация қилингани ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилмоқда.

Иккинчидан, Пробацция хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмоқда. Жумладан, пробацция назоратидаги шахсларнинг суд томонидан белгиланган тақиқ, чеклов ва мажбуриятларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида мазкур шахсларнинг уйларига қирилган барча ҳолатлар тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиши;

пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан судга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш ёхуд касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик туфайли жазодан озод қилиш тўғрисида тақдимномалар киритиши билан боғлиқ мажбуриятлар назарда тутилмоқда.

Учинчидан, пробацция назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, белгиланган тақиқ, чеклов ва мажбуриятларни бажармаганининг ҳуқуқий оқибатлари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Тўртинчидан, етказилган зарарнинг ўрни қоплаш

юзасидан суд белгилаган мажбуриятнинг пробацция назоратидаги шахс томонидан бажарилиши устидан назорат туман (шаҳар) пробацция бўлинмаларининг Бош прокурорига ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмаси билан ахборот алмашиши воситасида амалга оширилади.

Пробацция назоратидаги шахс муайян даромад манбаига эга бўлмаган тақдирда, чиқилди ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Олий Мажлис Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлисида "Пробацция тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ушбу қонун 9 та боб, 74 та моддадан иборат бўлиб, унда пробацция тизимининг асосий тушунчалари, пробацция хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби, пробацция назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, пробацция назорати ва ижтимоий мослаштириш шаклларини қўллаш тартиби, пробацция назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини баҳолаш меъзолари, пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан электрон кузатув воситасини қўллаш масалалари тартибга солинмоқда.

Бундан ташқари мазкур қонун билан:

Биринчидан, пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан табақалаштириш ва индивидуал ёндашиш принципи аниқ белгилаб қўйилмоқда. Хусусан, пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан белгиланадиган тақиқ, чеклов ва мажбуриятлар – уларнинг ёши, жинси, соғлигининг ҳолати, хулқ-атвори, ижтимоий мослаштириш дастурларидаги иштироки ҳамда ушбу шахслар содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти, илгари жиноят содир этгани учун жавобгарликка тортилгани, фактлари мавжудлиги, шунингдек, етказилган моддий зарарнинг ўрни қоплангани ва маънавий зиён компенсация қилингани ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилмоқда.

Иккинчидан, Пробацция хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмоқда. Жумладан, пробацция назоратидаги шахсларнинг суд томонидан белгиланган тақиқ, чеклов ва мажбуриятларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида мазкур шахсларнинг уйларига қирилган барча ҳолатлар тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиши;

пробацция назоратидаги шахсларга нисбатан судга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазонинг ўталмаган қисмини энгилроқ жазо билан алмаштириш ёхуд касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик туфайли жазодан озод қилиш тўғрисида тақдимномалар киритиши билан боғлиқ мажбуриятлар назарда тутилмоқда.

Учинчидан, пробацция назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, белгиланган тақиқ, чеклов ва мажбуриятларни бажармаганининг ҳуқуқий оқибатлари ҳам аниқ белгилаб қўйилмоқда. Тўртинчидан, етказилган зарарнинг ўрни қоплаш

Кутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Қўйилган айблов

судда судланувчи зиммасидан олиб ташланди

Бироз вақт ўтиб, қайта ўрганиш ўтказилганда барча камчиликлар ишни бажариш йўли билан бартараф этилган маълум бўлган. Шу боис фуқаровий даввогар судланувчи Р.Эргашевга нисбатан даъвои йўқлигини билдирди.

Суд мажлисида Сирдарё вилояти Давлат молиявий назорати бошқармаси бош назоратчи-тафтишчиси Ш.Эсоновнинг кўрсатмаси ҳам судланувчи Р.Эргашевнинг вазилари ўринли эканини оидинлаштирди. Чунки у Сирдарё вилояти прокуратурасининг 2022 йил 31 октябрдаги 15/8-22-сонли хатига асосан спорт зали биноси қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига мослиги юзасидан қайта ўрганиш ўтказилганда, жами 706 миллион 748 минг 899 сўмлик иш ҳажми қўшиб ёзилгани аниқланганини таъкидлади.

"Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компания-

си" давлат унитар корхонаси техник назоратчиси И.Тиловов томонидан 1-сонли ҳисоб-фактурага 66 миллион 775 минг 271 сўмлик, "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси техник назоратчиси Р.Эргашев 4-5-сонли ҳисоб фактурага 318 миллион 404 минг 695 сўмлик, техник назоратчи Ш. Хўжақуллов томонидан 6-сонли ҳисоб-фактурага 321 миллион 568 минг 933 сўмлик бажарилмаган ишлар ҳисоботларда расмийлаштирилган.

Суд мажлиси муҳокамаси чоғида И.Тиловов ва Ш.Хўжақуллов ҳақиқатан ҳам, бажарилмаган ишларни ҳисоботларга расмийлаштириб, қабул қилишганини тани олишди.

Апелляция суд мажлисида дастлабки тергов органи томонидан иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмагани, И.Тиловов ва Ш.Хўжақулловнинг бажарилмаган ишларни расмийлаштириб, қабул қилиб олгани эътибордан чет-

да қолгани маълум бўлди. Р.Эргашев томонидан жами 318 миллион 404 минг 695 сўмлик бажарилмаган ишлар расмийлаштирилиб, қабул қилиб олинган бўлса-да, И.Тиловов ва Ш.Хўжақулловнинг жиноий қилмишлари асоссиз равишда Р.Эргашевнинг зиммасига юкланиб, хатоликка йўл қўйилган.

Бундан ташқари мутахассислар томонидан жами 706 миллион 748 минг 899 сўмлик иш ҳажми ҳисоботга қўшиб ёзилгани аниқланган бўлса-да, Р.Эргашевга нисбатан 987 миллион 400 минг сўм миқдорида бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилгани ҳақида нотўғри айблов эълон қилинган.

Апелляция судлов ҳайъати мазкур ҳолатлар биринчи босқич судининг ҳукмида кўрсатилган Р.Эргашев томонидан талон-торож қилинган сума миқдорини 987 миллион 400 минг сўмдан 318 миллион 404 минг 695 сўмга қай-



та ҳисоблади. Апелляция судлов ҳайъати Жиноят-процессуал кодексининг 417-моддаси талабига риоя этган ҳолда техник назоратчилар И.Тиловов ва Ш.Хўжақулловнинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун суднинг ажрими билан тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилди.

Судлов ҳайъати Р.Эргашевнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 228-моддаси 2-қисми "б" банди билан тўғри малакаланган, деб ҳисоблади. Бироқ судлов ҳайъати судланувчи биринчи марта жиноят содир этгани, ёшлиги, иш бўйича етказилган зарар тўлиқ бартараф этилгани, фуқаровий даъво-

гарнинг унга нисбатан даъвои йўқлиги, аниқланган зарар миқдорининг камайганини инобатга олди. Р.Эргашевга нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишларини жазосини шартли деб топди ва бир йил синов муддати белгилади.

Шу тариқа одил судлов мезони бўлган адолат қарор топди. Асоссиз қўйилган айблов зиммасидан олиб ташлангач, Р.Эргашевнинг кўнгли хотиржам тортгани аниқ. Зеро, адолат барқарор жойда кўнгли ҳамиша тўқ бўлади.

Бобошер ҚУРБОНОВ, Сирдарё вилояти суди раиси ўринбосари Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч - адолатда" мухбири

Хабар

Судьялар миллий конференцияси: маънавияти баланд ва иродаси мустаҳкам судья адолатсизликка йўл қўймайди



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қайд этилганидек, замонавий дунёда мамлакатнинг ривожини — жамиятда айнан қонун ва адолат устуворлиги таъминлаши, мустақил ва адолатли суд мавжудлиги билан ўлчанади.

жойида ҳал қилиш ва ортиқча сарсонгарчиликларга йўл қўймасликдир.



ривожлантириш бўйича ҳамкорлигига ўттиз йил тўлганга тўхталиб ўтиш. Суд тизимининг рақамлаштирилишида, суд-ҳуқуқ соҳасига оид қонунчиликнинг халқаро стандартларга мувофиқлаштирилишида ўзаро ҳамкорлик яхши самара берди.

— Миллий судьялар конференциясида одил судловни амалга оширишдаги долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда, — деди жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судьяси Сарвар Мамадиев.



либ, буни амалда таъминлашда судьялар муҳим ўрин тутди. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституцияни тўғридан-тўғри қўллаш, гендер тенглик ва соҳага оид бошқа янги қонун ҳужжатлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Икки кун давомида анжуман иштирокчилари бир неча тегишли сессиялар билан доирасида маъмурий, фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судларда одил судловни амалга оширишнинг долзарб масалалари юзасидан ўзаро тажриба алмашиб, мавжуд муаммо ва вазифаларни атрофлича муҳокама қилади.

Конференция кун тартибидан суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ўрин олган.

Судларда конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш амалиёти ҳамда гендер дискриминацияси ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш каби масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Анжуман давомида суд корпуси вакиллари судларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга бағишланган асосий тадбирларнинг тақдирини ташкил этилади.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ

Қизиқарли фактлар

Дунёнинг бирон-бир ҳудудида содир бўлган тўфонлар аксарият ҳолларда аёл номи билан аталганга гувоҳ бўлиш мумкин: «Катрина», «Изабелла», «Хари», «Сэнди», «Наргиз»...

ТАБИАТНИНГ СИРЛИ ҲОДИСАСИ



Ер юзида ҳар йили тўфонлар содир бўлиши оқибатида кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлади. Бундай кутилмаган фалокат натижасида одамларнинг ҳам қурбон бўлиши янада ачинарли.

1950 йилдан бошлаб тўфонларга ҳарбий алифбо фонетикаси асосида ном бериш тизими жорий этилади. Аммо орадан уч йил ўтгач, тўфонларга яна аёллар исми қўйиш тартибига қайтилади.

1979 йилдан бошлаб Жаҳон метеорология ташкилоти тўфонларга қўйиладиган исмлар рўйхатига эркаклар исмини ҳам киритади.

Тўфонлар пайдо бўладиган бир неча минтақаларнинг ҳар бири ўз рўйхатига эга. Мирсол учун айтадиган бўлсак, Атлантика океанида пайдо бўладиган тўфонлар учун ҳар бири 21 номдан иборат 6 та рўйхат мавжуд.

Мабодо бир йилда 21 тандан ортиқ тўфон содир бўлиб, рўйхатдаги номлар етмай қолса, унда кейингиларига грекча ҳарфлар номи қўйилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, тўфонларни бу тарзда амал қилмайди. Улар табиий офатларни турли ҳайвон, гул ва дарактлар номи билан аташади.

Одатда, кичик тўфонларга ном берилмайди. Асосан йирик табиий офатларнинг шайтан тизлиги инобатга олинади.

Халокатли тўфонлар бизнинг асримизда ҳам тез-тез

Интернет материаллари асосида Шаҳноза Ҳайитова тайёрлади.

Учқўприк туманининг Гул қишлоғида яшовчи Шерали Валижонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2022 йил 31 декабрь куни уйқудан бироз тushкин кайфиятда уйғонди.

Уша топда "Нима қилиб бўлмасин бирор жойдан пул топишим керак. Ахир, бозор қилиб, дастурхон безамасак байрам татимайди" деган ўй Ш.Валижоновга тинчлик бермасди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, нафси ҳақалак отган Ш.Валижонов қариндоши М.Ҳолиқовнинг 2 бош қора молини ўғирлаб, 10 миллион сўмга сотади ва пулни шахсий эҳтиёжи учун сарфлайди.

Ш.Валижонов 23 январь куни Катта Баҳрин қишлоғида яшовчи таниши Мухсин Тоҳиров билан таксида Қўқон шаҳрига йўл олади.

Такси йўлда елдек учиб борар экан, Ш.Валижонов ҳамроҳини гапга солиб кетади. Қўқон шаҳрига кириб боришгач, у бошқа бир танишига кўнғироқ қилиш баҳонасида М.Тоҳировдан уяли телефонини бериб туришини илтимос қилади.

— Мен шу ҳудудни назорат қиламан. Бемаҳалда нима қи-

либ юрибсизлар? — дея кинояли оҳангда сўроққа тутди у йигитларни.

Бу саволда йигитларнинг бўёки суюқоёқ қизлар билан кўнғилхушлик қилиб юрганга ишора бор эди.

— Ҳозир ички ишлар бўлимига борамиз. Ўша ерда нима

450.000 сўм туширади. Бироқ товламачи иккала телефонни ҳам эгаларига қайтармайди.

Бундан ташқари Ш.Валижонов 19 февраль куни "Термиз-Тошкент" йўналишида катновчи Нуридин Ашуровни ҳам чув туширади.

Агар жиноят иши материаллари ҳамда Ш.Валижоновнинг 25 йиллик умр йўлига назар ташланса, у 17 ёшида жиноят қўчасига қадам қўйганини кўриш мумкин.

Ш.Валижонов яна ўзгалар мулкига кўз олайтиришда давом этади. У 9 нафар кишининг 26.898.206 сўмлик мулкни талончилик ва фирибгарлик йўли

ди. Автомашина ярим тунда "Лабзак" даҳасига етиб келганда Н.Ашуровнинг нархи 4.500.000 сўмлик "Redmi 9 S" русумли уяли телефонини танишига кўнғироқ қилиш баҳонаси билан олиб, ўзини гўёки гаплашаётгандек кўрсатиб қочиб кетади.

Ш.Валижоновнинг банк пластик картаси рақамини айтиб, 500.000 сўм ўтказишини талаб қилади. Йўқса, телефон аппаратини синдириб ташлашини билдиради.



Жиноят ва жазо НОҚОБИЛ ФАРЗАНД 2 ой ичида 6 тундаги жиноятни содир этди

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Бахтиёр ИСЛАМОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Робахон МАХМУДОВА, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Халилullo ТУРАХУЖАЕВ, Замира ЭСОНОВА, Икром МУСЛИМОВ, Азиз АБИДОВ, Шухрат ПОЛВАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru